

## **ЎТМИШГА НАЗАР**

**3 - МАХСУС СОН**

## **ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ**

**СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК - 3**

## **LOOK TO THE PAST**

**SPECIAL ISSUE - 3**



**Бош мухаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Муртазаева Рахбар Хамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бош мухаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

**«Ўтмишга назар» илмий журнали тахририй маслаҳат кенгаши**  
**редакционный совет научного журнала «Взгляд в прошлое»**  
**Editorial board of the scientific journal Looking into the past**

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**  
тарих фанлари доктори,  
профессор, академик,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бобожонова Дилором Бобожонова**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари  
университети

**Зияева Доно Хамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Кебадзе Мадонна**  
тарих фанлари доктори, Телави  
давлат университети, Грузия

**Аширов Адҳам Азимбаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Агзамова Гулчехра Азизовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Бурдиашвили Майя**  
тарих фанлари доктори, Телави  
давлат университети, Грузия

**Кожакеева Ляззат Темировна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Хотин-қизлар давлат педагогика  
университети, Қозоғистон

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**  
тарих фанлари доктори,  
Тошкент кимё - технология институти

**Бабаджанова Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон давлат жаҳон  
тиллари университети

**Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Гоффоров Шокир Сафарович**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Самарқанд давлат тиббиёт институти

**Эргашева Юлдуз Алимовна**  
Тарих фанлари доктори, профессор,  
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт  
институти

**Теймураз Ахалмосулишвили**  
профессор, Телави давлат  
университети, Грузия

**Халикова Рахбар Эргашевна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Тошкент давлат техника университети

**Ишанходжаева Замира Райимовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Нукус давлат педагогика институти

**Мустафаева Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари доктори  
Ўзбекистон Республикаси  
Фанлар академияси

**Джоробекова Айнуэр Эшимбековна**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Дипломатия академияси,  
Қозоғистон Республикаси

**Ширванова Тарана Амирага кызы**  
тарих фанлари номзоди, доцент  
Азербайджон давлат  
иқтисодиёт университети

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Санпова Камола Давляталиевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Расулов Абдуллажон Нуриддинович**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Наманган давлат университети

**Ковалев Борис Николаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Россия ФА, Санкт-Петербург  
Тарих институти

**Кобзева Ольга Петровна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Ауанасова Алима Мусировна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Давлат тарихи институти, Қозоғистон

**Бегалинова Калимаш Капсамаровна**  
фалсафа фанлари доктори, профессор,  
Ал-Фаробий номидаги Қозоғистон  
Миллий университети, Қозоғистон

**Хайдаров Муродилла Махмуталиевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон миллий университети

**Алиева Лале**  
тарих фанлари доктори,  
Озарбайжон давлат университети

**Исмаилова Алмаз**  
тарих фанлари доктори,  
Догистон мустақил университети

**Талапов Бахриддин Алижанович**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Наманган давлат университети

**Одилов Аброр Анварович**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

## МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

<b>1. Алима Ауанасова</b> ҚОЗОҒИСТОН ХАЛҚ АССАМБЛЕЯСИ – МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК ВА БИРДАМЛИКНИНГ САМАРАЛИ МОДЕЛИ.....	5
<b>2. Максим Моисеев</b> РОССИЯ ПОДШОЛИГИ ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАР ТАРИХИГА ОИД ЯНГИ ТОПИЛГАН ҲУЖЖАТЛАР.....	11
<b>3. Рахбар Холиқова</b> TURKISTON O‘LKASIDAGI MILLIY OZODLIK HARAKATLARI TARIXIDAN (MARDIKORLIKKA SAFARBARLIK VA UNING OQIBATLARI).....	21
<b>4. Ибройим Махкамов, Хамиджон Шахобов, Умида Носирова</b> ЖАДИДЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ҚАРАШЛАРИ ВА УНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТИ.....	29
<b>5. Дурдонахон Муродова</b> ЖАНУБИЙ ФАРҒОНА ШАҲАРСОЗЛИГИДА МАРФИЛОН. ДАСТЛАБКИ АНТРОПОГЕН ЛАНДШАФТЛАР (ЁЗМА МАНБАЛАР ВА АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРДА).....	36
<b>6. Авазбек Мирзаев</b> ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ПАХТА САВДОСИ ВА ТОЛАНИ МЕТРОПОЛИЯГА ТАШИБ КЕТИЛИШИ МАСАЛАЛАРИ.....	42
<b>7. Саҳодат Муртазова</b> “МАҚОМ” ФЕСТИВАЛИ – ХАЛҚАРО МАДАНИЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ.....	48
<b>8. Шухратжон Абдуллоев</b> БУҒДОЙНИНГ ИЛОҲИЙЛАШТИРИЛИШИ БЎЙИЧА МОДДИЙ ВА ЁЗМА МАНБАЛАР.....	54
<b>9. Исломбек Бобожонов</b> ТОШКЕНТ ШАҲАР МАҲАЛЛАЛАРИДА ЁШЛАР ЎРТАСИДАГИ МАЪНАВИЙ- МАЪРИФИЙ ФАОЛИЯТДА ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК (1991-2019 йй.).....	63
<b>10. Бобурмирзо Ботиров</b> ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИГА ОИД ҚУРЪОНИ КАРИМДА КЕЛГАН НОРМАЛАР ТАҲЛИЛИ.....	69
<b>11. Хумоюн Назаров</b> ШИМОЛИЙ БАҚТРИЯНИНГ КУШОН ДАВРИ ҚЎҲНА ШАҲАРЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИДАН.....	81
<b>12. Баҳрам Намозов</b> ҚУТЛУҒ БАШАРОВ ИЖОДИГА НАЗАР.....	90
<b>13. Файзулла Очилдиев</b> XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ - XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИДА ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАР ВА СОЛИҚ ТУРЛАРИ.....	96

<b>14. Turdigul Omirzakovna</b> QORAQALPOQ XALQINING XOTIRALARIDAGI VA MEMUARLARIDAGI IKKINCHI JAHON URUSHI.....	105
<b>15. Мухиддинжон Примов</b> XX АСРНИНГ 60-ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН КАРТОГРАФИЯСИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИГА ДОИР.....	113
<b>16. Азиз Равшанов</b> ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДАГИ ЙИРИК САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИГА ҚИСҚАЧА НАЗАР (1991-2020 йиллар).....	120
<b>17. Гулчехра Рахимова</b> ОЛМАЛИҚ ШАҲРИДА ЭКОЛОГИК ҲОЛАТНИНГ ЎЗГАРИШ САБАБЛАРИ.....	127
<b>18. Екатерина Смесова</b> ВЕРА КОМИССАРЖЕВСКАЯ ВА ТУРКИСТОН ЎЛКАСИНИНГ ТЕАТР САНЪАТИ ТАРИХИ САҲИФЛАРИДАН.....	134
<b>19. Жасур Савриев</b> НАВОИЙ ВИЛОЯТИДАГИ “РАБОТИ МАЛИК” ҚАРВОНСАРОЙИНИНГ ҚУРИЛИШ ЛОЙИҲАСИ ВА МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДАГИ ТАЪМИРЛАНИШ ТАРИХИ.....	140
<b>20. Музаффар Тожибоев</b> ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИДА МИЛЛИЙ ВА УМУМБАШАРИЙ ҚАДРИЯТЛАР ТАРИХИНИНГ ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ.....	156
<b>21. Сайёра Тураева</b> ЧОР РОССИЯСИНИНГ ЎРТА ОСИЁГА 1840 ЙИЛЛАРДАГИ ЭКСПЕДИЦИЯЛАРИ: ГЕОЛОГИК ВА ИҚТИСОДИЙ, СИЁСИЙ АСПЕКТЛАРИ.....	163
<b>22. Тўракул Ҳасанбоев</b> ЖИЗЗАХ ВОҲАСИ СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА (ЁЗМА МАНБАЛАР АСОСИДА).....	170
<b>23. Шермухаммат Эрназаров</b> МИЛЛИЙ ҒОЯ ТАРҒИБОТИДА ТАРИХИЙ ВА СИЁСИЙ ОНГНИНГ АҲАМИЯТИ.....	176
<b>24. Ахмеджон Юсупов</b> САРИҚАМИШБЎЙИ ВА УЗБОЙ САРҲАДЛАРИ ЁДГОРЛИКЛАРИДА АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР ТАРИХИДАН.....	185
<b>25. Алишер Эсанов</b> ЎЗБЕК РОМАНЧИЛИГИ АСОСЧИСИ АБДУЛЛА ҚОДИРИЙНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ ҲАҚИДА БАЪЗИ МУНОЗАРАЛАР.....	193
<b>26. Миролим Бердикулов</b> ТЎДА-1 НЕОЛИТ МАКОНИ ТОШ ҚУРОЛЛАРИ (2017-2018 йиллардаги қазилма материаллари асосида).....	197

# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

**Бобурмирзо Ботиров**


Ўзбекистон халқаро ислом академияси

таянч докторанти

botirov.boburmirzo1993@g.mail.com

## ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИГА ОИД ҚУРЪОНИ КАРИМДА КЕЛГАН НОРМАЛАР ТАҲЛИЛИ

**For citation:** Boburmirzo Botirov, ANALYSIS OF HUMAN RIGHTS AND OBLIGATIONS IN THE HOLY KORAN. Look to the past. 2020, Special issue 3, pp.69-80

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.6582931>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада бугунги кунда Ислом дини ва унинг асосий қисми бўлмиш фикҳ Ислом ҳуқуқшунослигини давр талабларини назарда тутган ҳолда ўрганиш ва уни ўзлаштириб, амалий ҳаётда ундан фойдаланиш бир заруратга айланганлиги тилга олинади. Мақолада муаллиф Ислом динининг Марказий Осиёдаги тарихий аҳамияти хусусида тўхталиб ислом ҳуқуқшунослиги ва унинг манбалари пайдо бўлишига тарихий хронологик нуқтаи назардан алоҳида урғу беради. Фикҳшунослик ислом илмлари орасида муҳим эканлигини муаллиф Ислом динининг муқаддас манбаси ҳисобланган Қуръони Каримнинг юридик характерга эга оятлари орқали ёритилиб беради. Айниқса, инсон ҳуқуқлари ва мажбуриятлари борасидаги муқаддас оятлар юридик жиҳатдан қиёсий таҳлил қилинади.

**Калит сўзлар:** Ислом дини, Марказий Осиё, ЮНЕСКО, фикҳшунослик, Қуръони Карим, сура, оят, инсон ҳуқуқлари, мазҳаб.

**Бобурмирзо Ботиров,**  
Международная Исламская  
Академия Узбекистана

докторант

botirov.boburmirzo1993@g.mail.com

## АНАЛИЗ ПРАВ И ОБЯЗАННОСТЕЙ ЧЕЛОВЕКА В СВЕЩЕННОМ КОРАНЕ

### АННОТАЦИЯ

В статье отмечается, что сегодня необходимо изучать ислам и правоведение, которое является его основной частью, исламское правоведение в соответствии с требованиями времени, а также овладеть им и применять на практике. В статье автор акцентирует внимание на историческом значении ислама в Центральной Азии, подчеркивая

возникновение исламской юриспруденции и ее источников с историко-хронологической точки зрения. Важность юриспруденции среди исламских наук подчеркивается автором в юридических стихах Корана, который является священным источником ислама. В частности, юридически сравниваются священные стихи о правах и обязанностях человека.

**Ключевые слова:** Ислам, Средняя Азия, ЮНЕСКО, юриспруденция, Священный Коран, сура, аят, права человека, мадхаб.

**Boburmirzo Botirov,**  
International Islamic Academy of Uzbekistan  
PhD student  
botirov.boburmirzo1993@g.mail.com

## ANALYSIS OF HUMAN RIGHTS AND OBLIGATIONS IN THE HOLY KORAN

### ABSTRACT

The article notes that it is necessary to study Islam and its jurisprudence, which is its main part, islamic jurisprudence in accordance with the requirements of the time, as well as master it and apply it in practice. In the article author focused on the historical significance of Islam in Central Asia, emphasizing the emergence of Islamic jurisprudence and its sources from a historical and chronological point of view. The importance of jurisprudence among Islamic sciences is emphasized by the author in the legal verses of the Koran, which is the sacred source of Islam. In particular, sacred verses about human rights and duties are legally compared.

**Index Terms:** Islam, Central Asia, UNESCO, jurisprudence, Holy Koran, surah, ayah, human rights, madhab.

### 1. Долзарблиги:

Ислом динини халқимиз нафақат диний таълимот сифатида қабул қилди, балки уни янги илмий, маърифий поғоналарга кўтарди, Исломнинг илмий жиҳатдан юксалтиришга бекиёс хисса кўшди. Натижада, ўрта асрларда яшаб ижод этган мовароуннаҳрлик фақиҳ аллома ва мутафаккирлардан катта ҳажмдаги ноёб қўлёзма манбалар мерос бўлиб қолди. Ўзбекистон китоб фондларида юз мингдан зиёд қўлёзма асарлар сақланмоқда. Уларнинг асосий қисми ЮНЕСКОнинг Маданий мерос рўйхатида киритилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: “Ҳозирги кунда Ўзбекистонимизнинг китоб фондларида 100 мингдан зиёд қўлёзма асарлар сақланмоқда. Афсуски, бу нодир китоблар ҳали тўлиқ ўрганилмаган, улар олимлар ва ўз ўқувчиларини кутиб турибди. Ушбу ноёб асарларда бугунги давр ўртага қўяётган жуда кўп долзарб муаммоларга жавоб топиш мумкин. Хусусан, Ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини чуқур очиб берадиган, барча одамларни эзгулик, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик йўлида бирлашишга даъват этадиган теран маъноли фикр ва ғоялар бугун ҳам ўз қиммати ва аҳамиятини йўқотган эмас. Лекин биз ана шундай ноёб мерос ворислари, шундай бойлик эгалари бўла туриб, уларни ҳар томонлама ўқиш-ўрганиш, халқимиз, аввало, униб-ўсиб келаётган ёшларимизга, жаҳон ҳамжамиятига етказиш бўйича, етарли иш қилмаганимизни ҳам очик тан олиш керак”[1].

Ўзбекистон тарихини асрлар оша етиб келган ёзма мерос асосида холисона ва чуқур ўрганиш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу мероснинг салмоқли қисмини ватанимиздан етишиб чиққан олимларнинг асарлари ташкил этади. Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ аждодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни қайта тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди. Уларни жаҳон маданий меросининг бир қисми сифатида ўрганиш ҳозирги даврда илм-фаннинг муҳим вазифаларидан биридир: Халқнинг маданий кадриятлари, маънавий мероси минг йиллар мобайнида Шарқ халқлари учун қудратли маънавият манбаи бўлиб хизмат қилган. Узоқ вақт давом этган қаттиқ

мафкуравий тазйикқа қарамай, Ўзбекистон халқи авлоддан авлодга ўтиб келган ўз тарихий ва маданий қадриятларини ҳамда ўзига хос анъаналарини сақлаб қолишга муваффақ бўлди.

Жаҳон илм-фани учун Мовароуннаҳрда фаолият олиб борган олимлар, улар жумласида эса фақиҳларнинг меросини ҳам ўрганиш муҳим аҳамиятга эга[2]. Чунки, мовароуннаҳрлик фақиҳлар Ислом оламининг барча минтақаларида ҳам тан олинган динлар. Улар томонидан ёзилган фикҳий асарлар эса ҳозирги вақтда ҳам илмий даргоҳларда Ислом фикҳи бўйича дарслик вазифасини ўтамоқда. Бу Мовароуннаҳрда фикҳ илмининг юзага келиши, ривожланиш босқичлари, йўналишлари, ўзига хос жиҳатлари ва анъаналарини ўрганишга жиддий ёндашиш кераклигини кўрсатмоқда.

Ислом илмлари ичида энг кўп мурожаат қилинадигани бу Ислом ҳуқуқи бўлмиш фикҳ илмидир. Фикҳ арабча “тушуниш”, “чуқур англаш” деган маъноларни билдириб, уламолар истилоҳида Исломдаги шаръий ҳукмлар баёни яъни, қонунчиликдан тортиб, то одоб ахлоқ меъёрларини ўз ичига олувчи кенг қамровли соҳадир.

Ҳижрий I асрда Ислом ҳуқуқи шакллана бошлаб, ҳижрий II ва III асрларда тараққиёт босқичларига кўтарилди. Ҳижрий II аср бошларида илк ҳуқуқий мактаблар (мазҳаблар) юзага кела бошлади ва янги шаклланган Ислом жамияти ўзининг бошланғич ҳуқуқий ва қонуний институтлари – муассасаларини куришга муваффақ бўлди.

Бугунги кунда Ислом дини ва унинг асосий қисми бўлмиш фикҳ Ислом ҳуқуқшунослигини давр талабларини назарда тутган ҳолда ўрганиш ва уни ўзлаштириб, амалий ҳаётда ундан фойдаланиш бир заруратга айланди.

## **2. Методлар:**

Мақола илмий даражада эътироф этилган тарихий методлар – тарихийлик, қиёсий мантиқий таҳлил, таҳлил, кетма-кетлик, холислик, жамлаш (синергия) тамойиллари асосида ёритилган.

## **3. Тадқиқот натижалари:**

Маълумки, ер юзида мусулмончилик пайдо бўлганидан буён асрлар давомида дунёнинг турли мамлакатларида юзлаб олим-уламолар Ислом ҳуқуқшунослиги билан машғул бўлиб келганлар.

Моворауннаҳр тарихи айниқса мазкур ўлкадаги Ислом ҳуқуқшунослиги, тарихи, кўплаб шарқшунос, ҳуқуқшунос тарихчи олимларни қизиқтириб келган. Айниқса мусулмон ҳуқуқшуносларини маҳаллий урф-одатларни ҳам одат ҳуқуқи сифатида эътиборга олганликларини Академик Бартольд асарларида кўриш мумкин[3]. Жумладан, Петрушевский[4], кейинчалик Д.М.Еремов[5] юрдошларимиздан Б.А.Ахмедов, А.Ўринбоев каби йирик шарқшунос, тарихчи олимлар асарларида ҳам кўриш мумкин.

Бундан ташқари, йирик мутахассис, Исломшунос олим, академик Н.Иброҳимовни, ю.ф.д.проф. А.Х.Саидовнинг хизматлари беқиёсдир. Шунингдек, А.Муминов, И.Абдуллаев, Х.Хикматуллаев ва С.Исхақовларнинг хизматларини ҳам қайд этиш зарурдир.

Ислом ҳуқуқшунослигининг асосий манбаси Қуръони карим 114 та сура ва 6236 та оятдан ташкил топган. Сура (боб) бир неча тугалланган маънодаги гаплардан, баъзан ҳатто бутун бошли ҳикоя ёки моддадан иборат. Бошқа суралар эса алоҳида бутун нутқдан иборат[6].

Маккада нозил бўлган суралар Мадинада нозил бўлганларидан фарқ қилади: Макка суралари 90 та, Мадина суралари эса – 24 та. Макка суралари Исломнинг дастлабки даврларини қамраб олганлиги боис уларда дунёнинг яратувчиси ва бошқарувчиси бўлмиш олам ижодкори – Аллоҳ таоло ҳақидаги диний таълимотнинг мажусийлик (бутпарастлик, кўп худолик)қа қарши очиқ кураши муҳим ўрин тутами[7].

Ислом динининг асосий манбалари – Қуръони карим ва Ҳадиси шарифларда баён қилинган ҳукмлар мажмуи ҳамма даврларда барча кишиларнинг эзгу мақсадларига жавоб берадиган қонун-қоидалардир. Қуръони каримда бу тўғрида шундай дейилган:

“Қимки Исломдан ўзга динни истаса (ихтиёр этса), ундан (у дин) сира қабул қилинмагай ва у охиратда зиён кўргувчилардандир” (Оли Имрон сураси, 85-оят)[8].

Қуръони карим ва унинг асосида юзага келган Ислом фикҳи инсон турмушининг барча соҳаларини, жумладан мусулмоннинг ҳуқуқ ва бурчларини ҳам қамраб олади. Тадқиқотчиларнинг ушбу мавзуга қизиқишининг боиси ҳам ана шунда[9].

Қуръони каримдаги айрим оятларда намунали мусулмоннинг диний эътиқодлари ва бурчлари очиқ-ойдин баён этилган. Масалан, Аллоҳ таоло “Бақара” сурасининг 177-оятида:

“Юзларингизни Машриқ ва Мағриб томонларига буришингиз (ибодат қилишингизнинг ўзи тўла) яхшилик эмас, балки Аллоҳга, охират кунига, фаришталарга, китобларга, пайғамбарларга иймон келтирган, ўзи яхши кўрган молидан қариндошларига, етимларга, мискинларга, йўловчига, тиланчиларга ва кулларни озод қилиш йўлида берадиган, намозни тўқис адо этиб, закотни тўлаб юрадиган киши ва келишилган аҳдларига вафо қилгувчилар, шунингдек, оғир-енгил кунларда ва жанг пайтида сабр қилгувчилар яхшилик (аҳли)дир. Айнан ўшалар (имонларида) содиқдирлар ва айнан ўшалар тақводордирлар”, деб марҳамат қилган[10].

Инсоннинг ва бошқа тирик мавжудотларнинг ҳуқуқларига Исломда адолатли қараш мавжудлигидан, чунончи, Қуръони каримдан келтирилган қуйидаги оят далолат беради.

“Биз Ўз элчиларимизни ҳужжат (мўъжиза)лар билан юбордик ва улар билан бирга Китоб ҳамда одамлар адолатни барпо қилишлари учун мезон (тарози ёки меъёр) туширдик. Яна Биз темирни туширдик. Унда қувват ва одамлар учун манфаатлар бордир. Аллоҳ Ўзига ва пайғамбарларига (Аллоҳ йўлида жиҳод қилиш билан) ғойибона ёрдам берадиган кишиларни билиш учун ҳам (темирни яратди). Албатта Аллоҳ кучли ва қудратлидир” (Ҳадид сураси 25-оят)[11].

Қуръони каримда инсоннинг шаклланиши ва камол топишига ҳалал берувчи хислатлар – ташаббуснинг, ҳаётий мақсаднинг, унга ҳаққоний ёндашувнинг йўқлиги, ўз кучига ва имкониятларига ишонмаслик қораланади. Бу хусусида Қуръони каримда:

“Унинг (инсоннинг) олдида ҳам, ортида ҳам таъқиб этувчи (фаришталар) бўлиб, улар Аллоҳнинг амри билан уни муҳофаза қилиб турурлар. Албатта, Аллоҳ бироқ қавм ўзларидаги нарсани (неъматларга нисбатан муносабатини) ўзгартирмагунларича улардаги нарсани (ҳолатни ёмон ҳолатга) ўзгартирмас. Аллоҳ бирор қавмга ёмонликни раво кўрса, бас, уни қайтариб бўлмас ва улар учун Ундан ўзга бошқарувчи йўқдир”, дейилган (Раъд сураси 11-оят)[12].

Инсон ҳақидаги Исломий концепцияни ишлаб чиқишда инсоннинг ҳуқуқ ва бурчлари, эркинликлари ва масъулияти муаммоси борган сайин каттароқ жой эгаллаб бормоқда. Ислом динида эркинлик инсоннинг қудратли Аллоҳга бўйсунуши билан алоқадор. Аммо мусулмон бу эркинликдан қандай фойдаланаётганлиги учун жавобгар, зеро бу эркинлик масъулиятсизликни билдирмайди.

Мусулмонлар орасида хайр-эҳсон қилиш яқдиллик билан маъқулланади, хусусан, бу иш билан шуғулланадиган кишилар донолигининг нишонаси деб қаралади. Бу борада Аллоҳ таоло Қуръони каримнинг Бақара сураси, 272-оятда шундай марҳамат қилган:

“Уларнинг ҳидояти Сизнинг зиммангизда эмас (эй, Муҳаммад!), балки, Аллоҳ (Ўзи) хоҳлаган кишиларни ҳидоят йўллагай. Неки қилган хайр-эҳсонларингиз бўлса, у ўзларингиз учундир. Фақат Аллоҳ (“юзи”) учунгина эҳсон қилгайсиз! Қилган ҳар бир хайр-эҳсонингиз (савоби) сизларга адолатсизлик қилинмаган ҳолид мукамал қайтарилур”, дейилган[13].

Ислом динининг буюклиги, қонунларининг улуғворлиги, унинг иқтисодий тизимининг инсон эҳтиёжлари ва жамият манфаатлари ҳақида ғамхўрлик қилиши шариатда белгиланган ҳамда мақсади шахс ва жамият манфаатларини таъминлашдан иборат бўлган бойликларни тақсимлашни эътироф этишда айниқса ёрқин намоён бўлади.

Ислом инсоннинг ўз меҳнати билан ишлаб топган мулкига эгалик қилиш ҳуқуқини кафолатлайди ва ҳимоя қилади. Бу борада Қуръони каримда шундай дейилади:

“Дарҳақиқат, Аллоҳ омонатни ўз эгаларига топширишингиз ва одамлар ўртасида ҳукм қилганингизда адолат билан ҳукм қилишингизни буюрар. Албатта, Аллоҳ сизларга яхшигина насиҳат қилур. Албатта, Аллоҳ эшитувчи ва кўруви Зотдир” (Нисо сураси 58-оят)[14].

Бошқа бир оятда эса:

“Бас, кимки (дунёда) зарра миқдорида яхшилик қилган бўлса, (Қиёмат куни) уни кўрар” (Залзала сураси 7-оят)[15].

“Бас, Парвардигорлари уларни (дуоларини) ижобат этиб, (деди): “Албатта Мен сизлардан амал қилгувчининг – хоҳ эркак бўлсин ва хоҳ аёл бўлсин – амали зое қилмасман. (Маккадан) ҳижрат қилган, юртларидан бадарға қилинган, Менинг йўлимда азият чеккан, жанг қилган ва қатл этилганларнинг гуноҳларини каффорат қилурман ва Аллоҳнинг мукофоти сифатида уларнинг остиларидан анҳорлар оқиб турадиган, абадий яшаладиган жаннат (боғлари)га киритурман. Аллоҳнинг хузурида (мўминлар учун) яхши савоблар (бордир)” (Оли-Имрон сураси 195-оят)[16].

Меҳнатга лаёқатсиз барча кишилар, беморлар, ёш болалар, ногиронлар, қариялар, аёллар, ишсизлар ва кўлидан келса ва бунга тайёр бўлса ҳам тирикчилик учун пул топа олмайдиганлар, шунингдек, оиласини боқиш учун етарли маблағи бўлмаганлар жамият бойлигидан ва Аллоҳ ишлаб пул топиш имконини берган кишилардан ўз улушини олиши керак.

Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади: “(Эй инсонлар!) Аллоҳга ва унинг пайғамбари (Муҳаммад)га имон келтирингиз ҳамда У сизларни халифа қилиб қўйган нарсалардан (бойликларингиздан) эҳон қилингиз! Бас, сизлардан имон келтирган ва эҳсон қилган зотлар учун катта мукофот бордир” (Ҳадид сураси 7-оят)[17].

“...уларга Аллоҳнинг сизларга ато этган молидан берингиз! ...” (Нур сураси 33-оят)[18].

Хусусий мулк жамиятнинг иқтидорли, истеъдодли аъзоларига миллий бойликни кўпайтиришга қаратилган меҳнатларининг натижасига эгалик қилишдан иборат адолатли имкониятни беради.

Ушбу асосий қонуннинг мақсади – инсон ҳаракатларини рағбатлантиришни таъминлаш ва унинг иқтисодий фаоллигини инсоният фойдасига ва фаровонлигига йўналтиришдан иборат. Бу бизга нима учун айримлар бой, бошқалар эса камбағаллигининг сабабларини ҳам тушунтиради. Бундай тенгсизлик адолат тақозосидир, зеро ана шунда одамларнинг ақлий ва жисмоний имкониятларидаги фарқлар инобатга олинади. Инсонга табиий қобилият, истеъдод ва феъл-атворни Аллоҳ таолонинг Ўзи беради.

Жисмонан меҳнатга қодир бўлмаганлар ёки бутун ҳаракатларига қарамай даромади эҳтиёжларини қондиришга етмайдиганлар учун эса Ислом дини бойлиги муайян нисобга етган кишиларга закот тўлаш мажбуриятини юклаш орқали ғамхўрлик қилади, шу билан уларга муносиб ҳаётни таъминлайди.

Қуръони каримда бу хусусида шундай дейилган:

“... (топган) мол-мулкларидан (ажратилган) маълум ҳақ борки, у тиланчи ва маҳрум кишилар учундир” (Маориж сураси 24-25-оятлар) [19].

Иқтисодий тенгсизлик инсон табиати ва адолат қондаларига батамом мос келади. Коммунистик тузум иқтисодий тенгсизликни тугатишга бефойда уринди, унинг натижасида инсоният миллионлаб қурбонлар берди. Бу мумкин бўлмаган, мантикқа ва инсон табиатига зид бўлган нарсани қилишга интилиш эди. У парокандалик келтириб чиқарди ва социализм иқтисодий тизимининг барбод бўлишига олиб келди.

Қуръони каримда:

“Улар қилган саъй (ҳаракат)лари ҳаёти дунёдаёқ йўқ бўлиб кетгану, аммо ўзларини ишни чиройли қилаётган ҳисоблайдилар” ҳақида сўз юритилган (Қаҳф сураси 104-оят) [20].

Ислом инсоннинг хусусий мулкка эгалик қилиш ва уни ўз билганича тасарруф этиш ҳуқуқини тан олади, чунки у ўз мулкига меҳнати билан эришган. Бу концепция инсоннинг ўз мулкига эгалик қилиш, уни тасарруф этиш ва ундан қонуний йўл билан фойда олишдан иборат табиий инстинкти билан тўла мос келади.

Ушбу ғоя инсоннинг эркин меҳнат қилиши ва ҳаёт учун зарур неъматларни ишлаб топиши, бинобарин, ўз ҳаракатлари натижасида олган нарсаларига эгалик қилишга ҳақли бўлишини ифодаладиган Ислом эркинлик концепциясига асосланади.

Ислом дини инсонга мулкига ўз истагича эгалик қилиш ва уни ўз билганича тасарруф этиш эркинлигини берса-да, жамият манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида баъзи бир чеклашларни белгилайди ва инсонга бир қатор ижтимоий вазифаларни юклайди. Ана шу мақсадда Ислом дини мулк ёки ишлаб чиқариш воситасининг эгасига у оладиган фойдадан муайян солиқлар тўлашни ва бир қатор ахлоқий мажбуриятларни бажаришни юклайди.

Аллоҳ таоло бизга ерни ободонлаштириш ва унинг бойликларидан фойдаланишни буюрган:

“У сизларни ердан пайдо қилиб, сизларни уни обод этувчи этди” (Худ сураси 61-оят)[21].

Ислом дини инсон ўзи яратадиган ёки меҳнати билан очадиган нарсасига эгалик қилиш ҳуқуқига эгалигини белгилаб донолик намойиш этган. Бу дин меҳнат қилиш ҳуқуқини белгилаб қўйди ва ўн тўрт аср илгари унинг ҳимояланишини одамларнинг ўзлари ишлаб чиққан ҳар қандай қонун-қоидалардан тўлароқ ва мукамалроқ қилиб қафолатлаб қўйди.

Аллоҳ таоло ерни яратганда, уни Ўзининг нури билан ёритди, унга Ўзининг саховатидан инсонга муносиб ҳаёт кечириши учун воситалар берадиган табиий бойликлар ўлчаб берди. Қуръони каримда бу тўғрида шундай дейилган:

“Ёрни эса, уни ёйиқ – ва унга тоғларни ўрнатдик ҳамда унда (ҳар ернинг ўзига) мос турли нарсаларни (ўсимлик, меваларни) ундириб-ўстирдик. Яна унда (ерда) сизлар учун ҳам, сизлар ризклантирувчиси саналмайдиганлар учун ҳам тирикчилик (ризку-насибалар)ни яратиб қўйдик” (Ҳижр сураси 19-20 оятлар)[22].

Ислом дини меҳнат – бойликларни тақсимлашнинг асосий омили ва хусусий мулкнинг асосий манбаи деб ҳисоблайди. Бу борада Аллоҳ таоло шундай дейди:

“Ким яхши амал қилса, ўзи учундир. Ким ёмонлик қилса ҳам ўз зиёнигадир. Рабингиз бандаларга ноҳақлик қилувчи эмасдир” (Фуссилат сураси 46-оят)[23].

Ислом иқтисодий тизимида бойликни тақсимлаш усули инсон сарфлайдиган кучга ёки у бирон-бир ишга пул сарфлаб қиладиган таваккалга (оқибатларини ўрганиб чиқиб, Яратганга суяниш) асосланади. Аслида бу адолатни қафолатлайдиган ва фуқаролар манфаатларини ҳимоя қиладиган қоидадир.

Ислом ҳуқуқшунослигининг асосий манбаи бўлмиш Қуръони каримда судхўрлик қораланади ва қарз берганлик учун фоиз оладиганларга қарши мурасасиз курашади.

Аллоҳ таоло айтади:

“Судхўрлар (Қиёмат кунда қабрларидан) жин чалиб кетган одам каби (ҳолатда) кўпадилар. Бунинг сабаби – уларнинг: “Бай (савдо-сотик) ҳам судхўрликнинг худди ўзи” – деган гаплари (ақидалари)дир.

Ҳолбуки, Аллоҳ байни ҳалол, судхўрликни (эса) ҳаром қилган. Бас, кимга Раббидан насиҳат етгач (судхўрликдан) тўхтаса, у ҳолда аввалги ўтгани – ўзига ва унинг иши Аллоҳга (ҳавола). Ким яна (судхўрликка) қайтса, ўшалар дўзах аҳлидирлар ва унда абадий қолувчилардир.

Аллоҳ судхўрликнинг (фойдасини) йўқ қилади ва садақа (берувчиларга бойлик)ларни зиёда этади. Аллоҳ ҳар қандай (судхўрликни ҳалол деб билувчи) кофирни ва (уни давом эттирувчи) гуноҳкорни ёқтирмайди” (Бақара сураси 275-276-оятлар)[24].

“Эй, имон келтирганлар! Аллоҳдан қўрқингиз ва (чинакам) мўмин бўлсангиз судхўрлик сарқитидан вож кечингиз” (Бақара сураси 278-оят)[25].

Жобир розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам рибони еювчини ҳам, рибо берувчини ҳам, котиби-ёзиб қўювчини ҳам, гувоҳларини ҳам лаънатладилар ва “Улар барчаси (гуноҳда) баробардир”, дедилар (Имом Муслим ривояти).

Шарҳ: Рибо – кишини ҳалокатга олиб боровчи гуноҳи кабиралар жумласидан бўлиб, Аллоҳ таоло судхўрни дўзах азоби билан огоҳлантирган ва судхўрликни ташламаган одамга Аллоҳ ва Расули томонидан уруш эълон қилинишини билдирган. Чунки, судхўрликда

ҳожатманд ва камбағал кишиларнинг муҳтожлигидан фойдаланиб, уларга зулм ўтказиш бор. Шунинг учун Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам судхўрларни лаънатлаганлар.

Судхўрлик мусулмон жамиятидаги ҳамкорлик ва ўзаро масъулиятнинг энг муҳим қоидаларини йўқ қилади. Аллоҳ таоло айтади:

“Эзгулик ва тақво (йўли)да ҳамкорлик қилингиз, гуноҳ ва адоват (йўли)да ҳамкорлик қилмангиз” (Моид сураси 2-оят)[26].

Буюк Аллоҳ одамларни турли қобилиятларга эга қилиб яратган: кимгадир алоҳида истеъдод, кимгадир бошқаларга нисбатан кўпроқ бойлик берган. Шундай экан, одамлар бир-бирларини ёллашлари ва бир-бирларининг маҳоратидан фойда олишлари мумкин.

Исломи дини билишнинг қандайдир чегарасини тан олмайди ва доимо мўмин-мусулмонларни янги билимлар олишга чақиради. Буюк Аллоҳ шундай дейди:

“Сизларга эса оз илм берилгандир” (Исро сураси 85-оят)[27].

Кимда таълим олишни давом эттириш қобилияти ва имконияти бўлса, унга албатта ёрдам бериш керак. Мужтаҳидларни, яъни диний илмлар соҳасидаги мутахассисларни, шунингдек, муҳандислар, дунёвий билимлар соҳасидаги кашфиётчиларни тайёрлаш ана шу тариқа амалга оширилади. Дунёвий билимларни ўрганиш ҳам мусулмонлар учун фарзи кифоя ҳисобланади.

Инсоннинг уй-жой ёки бошпанга эга бўлиш ҳуқуқи Исломи динида уч жиҳати билан ажралиб туради. Биринчидан, Исломи дини мусулмон давлатида яшайдиган ҳар бир инсоннинг уни қаноатлантирадиган уй-жойга эга бўлиш ҳуқуқини тасдиқлайди ва унга бу турар жойни беришни давлатнинг вазифаси деб ҳисоблайди. Иккинчидан, Исломи дини турар-жой дахлсизлиги ҳуқуқини тасдиқлайди. Қуръони каримда шундай дейилган:

“Агар сизларга “қайтинглар” дейилса, қайтиб кетаверингиз! Шу сизлар учун энг тоза (йўлдир). Аллоҳ қилаётган амалларингизни билгувчидир” (Нур сураси 28-оят)[28].

Қуръони каримнинг ушбу ояти одамлар конституциялар ва инсон ҳуқуқлари декларацияларига киритишларидан ўн тўрт аср аввал инсоннинг турар-жой дахлсизлигига бўлган ҳуқуқини мустақамлаб қўйган.

Аллоҳ бой одамларга камбағаллар фойдасига беришни буюрган закот аниқ белгиланган мажбурият бўлиб, унинг бажарилишини давлат назорат қилиб туради, сўнгра уни муҳтожлар ўртасида тақсимлайди, шунингдек, ушбу қарзни тўлашдан бўйин товлаётган кишиларни закот тўлашга мажбур қилади.

“Ҳосил йиғиш кунда (муҳтожларга) ҳаққини (ушри ва хирожини) берингиз ва исроф қилмангиз! Албатта, У исроф қилувчиларни севмайди” (Анъом сураси 141-оят)[29].

Яъни: Аллоҳ сизларга йўқ ердан пайдо қилиб берган ғалла ва меваларнинг ҳамма хилини уялмай еяверинглар, лекин икки нарсани эсдан чиқарманглар: биринчиси, ўрим-йиғим пайтида Аллоҳ мискин-бечораларга беришни буюрган закотини адо қилинглар, иккинчиси, беҳуда исроф қилманглар. Исломининг илк даврида далалар ва боғлар ҳосилидан фуқаро ва мискинларга биров ажратиш вожиб (мажбурий) бўлган эди. Мадинаи мунавварага борилгандан кейин, иккинчи ҳижрий йили дала ва боғларнинг закоти аниқ бўлди: ёмғир суви билан суғориладиган ердан олинган ҳосилнинг ўндан бир қисми (ушр) ва қўлда суғориладиган ерлар ҳосилининг йигирмадан бир ҳиссасини закот қилиб бериш вожиб бўлди.

Закот масаласида унинг қайси мулкдан тўланиши, миқдори, тўлов вақти, кимлардан олиниши ва кимларга сарфланиши аниқ белгилаб қўйилган. Қонун чиқарувчи Аллоҳнинг ўзи ушбу тафсилотларни белгилаб ва тушунтириб мазкур масъулиятни ўз зиммасига олган.

Аллоҳ мусулмон давлатида яшаётган ва Исломи нуқтаи назаридан ёлғон бўлган ўз динига эътиқод қиладиган мусулмон бўлмаган киши бўлса ҳам, қўл чўзиб юришига, хайр-садақа ҳисобидан яшашига ва бировларнинг хайриясига боғлиқ бўлиб қолишига йўл қўя олмайди. Шунга қарамай, Исломи давлати мусулмон бўлмаганларни ва уларнинг оила аъзоларини мусулмонлар хазинаси ҳисобидан таъминлайди.

Исломи давлати давлат лавозимларига тайинланиш чоғида барча мусулмонларга тенг имкониятларни таъминлаши шарт. Исломи дини лавозимга тайинланишидан аввал ҳалоллик,

самимийлик, ҳақиқатгўйлик, масъулиятни зиммасига ола билиш каби бир қатор шарт ва талабларни белгилаган. Агар лавозим чуқур билим, малака ва тажрибани талаб қилса, ҳалоллик ва самимийликнинг ўзи етарли эмас.

Мусулмонлар раҳбарининг вазифаларига ҳар бир давлат мансабига энг малакали ва муносиб кишиларни танлаш ва тайинлаш киради. Бу талаб Қуръони каримнинг қуйидаги қоидаларига тўла мос келади:

“Дарҳақиқат, Аллоҳ омонатни ўз эгаларига топширишингиз ва одамлар ўртасида ҳукм қилганингизда адолат билан ҳукм қилишга буюрар. Албатта, Аллоҳ сизларга яхшигина насиҳат қилур. Албатта, Аллоҳ эшитувчи ва кўрувчи Зотдир” (Нисо сураси 58-оят)[30].

Мусулмон умматида доимо ижтимоий-психологик, ташкилий асос ўз вақтида ишга тушарди – бу оила-уруғ, кўшни-жамоа, уруғ-қабила биродарлиги тизимида вазифалар ва мажбуриятларнинг аниқ тақсимланганлиги ҳамда ўзаро бўйсунушдир.

Уларни бузиш нафақат Ислом ҳуқуқшунослиги кўрсатмаларига қарши боришни, балки ҳар бир инсон учун муҳим бўлган биргаликдаги тантаналар ва байрамлар қувончи билан тўлдирилган, қайғули кунларда ҳамдардлик кўрсатиш билан мунавварлашган турмуш мулоқоти муҳитидан айрилиш ва, албатта, ўзаро ёрдам, қўллаб-қувватлаш, етимлар, беваларга нисбатан раҳм-шафқат одатлари билан кафолатланган ижтимоий ҳимоясиз қолишни ҳам билдирарди[31].

Ислом камбағаллар ва қашшоқларнинг бойлар мулкининг бир қисмига ҳақли эканлигини тасдиқлаган биринчи дин бўлди. Бунинг устига, Ислом ушбу ҳуқуқни дин аҳкомларидан бири деб эълон қилди.

Аллоҳ ўзига тўқ одамларга камбағаллар фойдасига тўлашни буюрган закот аниқ белгиланган мажбурият бўлиб, унинг бажарилишини давлат кузатиб туради, сўнгра муҳтожлар орасида тақсимлайди ҳамда ушбу бурчни бажаришдан бўйин товлаётган кишиларни тўлашга мажбур қилади.

Камбағал ва қашшоқ кишиларнинг мулкдор кишилар эга бўлган бойликнинг бир қисмини олиши камбағалларнинг барча эътироф этган ҳуқуқи, бойлар тўлаши керак бўлган ўзига хос қарзидир. Бу қоида 14 аср илгари Қуръони каримда белгилаб қўйилган эди.

Аллоҳ таоло бу хусусида шундай марҳамат қилади:

“Уларнинг мол-мулкларида тиланчи ва маҳрум (муҳтож) кишилар учун (ажратилган) ҳақ (улуш) бўлар эди” (Зориёт сураси 19-оят)[32].

Аллоҳ шундай деб ўргатади:

“Намозни баркамол ўқингиз, закот берингиз ва рукуъ қилувчилар (намозхонлар) билан бирга рукуъ қилингиз (намоз ўқингиз!)” (Бақара сураси 43-оят)[33].

Айтиш керакки, закот масаласида унинг қайси мулкдан тўланиши, миқдори, тўланиш вақти, кимлар тўлаши ва кимларга сарфланиши аниқ белгиланган.

“Закот – ўзига хос муҳтож мусулмонлар фойдасига олинадиган солиқ, – деб ҳисоблайди Н.И.Матар – Қуръони каримда закот ҳудожўйлик билан боғланади, чунки худога ишониш эзгу ишларда намоён бўлади. Мусулмон йилда бир марта ўз маблағининг 2,5 фоизини закот сифатида муҳтожларга тўлайди” [34].

Мусулмон фақиҳлар камбағалларнинг мулкдорлар бойлигининг бир қисмини олиш ҳуқуқини мулкчилик ҳуқуқига киритадилар ва мулк эгасининг ўз мулкини закот тўлагунча тасарруф этишини тақиқлайдилар. Улар ушбу ҳуқуқни биринчи ўринга қўйиб ва закотни барча қарзлардан аввал тўлаш керак деб ҳисоблаб, бу ҳуқуққа алоҳида урғу берадилар. Камбағаллар ва қашшоқлар бойлар мулкидаги улушлари бўлмиш закотни улар ўзларига қарз берган барча кишиларга қарзни қайтаришларидан аввал оладилар.

Камбағал бойнинг мулкдан оладиган улуш унинг Исломдаги ҳуқуқларга хос барча белгиларга эга бўлган ҳуқуқидир. Камбағал бугун дунёда маълум бўлган ижтимоий ҳимоя тизими доирасида олаётган ёрдам эса ушбу ҳуқуқни эслатади, холос. Чунки у ушбу тизим тарғиботчилари таъкидлаганларидек, ана шу ҳуқуқ эга бўлган куч ва мажбуриятга эга эмас [35].

Ислом камбағалларга: “бойларнинг қўлидаги барча нарсалар сизнинг меҳнатингиз маҳсули ва шу боис сизни буларнинг ҳаммасидан маҳрум қилганларга қарши курашиб, уларни қайтариш ҳуқуқига эгасиз” демайди. Бу нотўғри, чунки барча нарсалар Аллоҳники. Яратган бандаларига мулкни Аллоҳнинг ўзи беради. Бу ерда ҳеч қандай адолатсизлик, меҳнаткашнинг ҳуқуқини поймол этиш йўқ. Аллоҳ ўзи истаган қулига саҳийлик қилади.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда:

“У сизларни ернинг халифалари қилиб қўйган ва ато этган (неъмат)ларида сизларни синаш учун баъзиларингизни баъзиларингиздан (юқори) даражаларга кўтарган Зотдир. Албатта, Рабингиз жазода тезкор ва У кечиримли ва раҳмли Зотдир” (Анъом сураси 165-оят)[36].

Ислом қарздан қутулишни адолат, раҳм-шафқат ва саҳийлик ҳукмрон бўлган Ислом давлатида яшайдиган инсоннинг асосий эҳтиёжларидан бири, деб ҳисоблайди. Ислом нуқтаи назаридан, мусулмоннинг қарздан қутулиш эҳтиёжи муҳимликда унинг емиш, кийим-кечак, уй-жой, хизматкор ва отга бўлган эҳтиёжидан кам бўлмаган эҳтиёждир.

“Инсоният оддий биологик жинсий яқинликдан давлат томонидан тасдиқланган юридик шартнома шаклидаги ҳужжат билан расмийлаштирилган никоҳ даражасига етган ижтимоий ташкилот пайдо бўлгунча жуда узоқ даврни ўтган. Бундай узоқ ва мураккаб тарихий жараёнда пайдо бўлган муҳим босқичлардан бири мусулмон оила ҳуқуқи ҳисобланади” [37].

Айнан Ислом тизими ўз фуқароларининг поклиги ва тақводорлигини таъминлаш, яъни никоҳга кириш учун махсус модда ажратган.

Ислом динининг иқтисодий тизими ишлаб чиқаришни ривожлантириш даражаси ва суръатини оширишни ҳамда ҳажмини кўпайтиришни шахснинг асосий эҳтиёжларидан бирига айлантиради ва уни давлат хазинасидан қарз бериш орқали таъминлайди. Зеро, ҳар бир якка ишлаб чиқарувчининг ишлаб чиқаришни кўпайтириши давлатнинг қудратини оширади, бу эса Ислом динини фаол тарқатиш, унинг муқаддас жойларини ҳимоя қилиш учун имконият беради.

Агар парвардигор гуноҳ ишларга ботганларни қаттиқ жазолашни истаса, уларга азоб юбормайди, балки ҳалол ва яхши хулқдан оғган шахсларни (гуноҳкорларни) аниқ ҳалос этиш учун уларни гуноҳ ишларга кўпроқ рўбарў қилиш билан синайди. Адолатсиз равишда фаровон ҳаёт кечираётганларни Аллоҳ “золим ва жиноятчи” деб ҳисоблайди. Албатта бу ўринда бойликнинг ўзи эмас, балки жуда тез, баъзан ҳаром йўл билан бойиб кетган фуқароларнинг паст маънавий, ахлоқий даражаси сабабдир[38].

Айни пайтда “... кишилар бордирки, уларни на тижорат ва на савдо (ишлари) Аллоҳни зикридан, намозни баркамол адо этишдан ва закотни беришдан чалғита олмас. Улар диллар ва қўзлар изтиробга тушиб қоладиган (қиёмат)дан қўрқурлар. Улар қилган эзгу амаллари сабабли Аллоҳнинг мукофотлаши ва яна уларга Ўз фазли билан зиёда (савобларни ато) этиш учун (ибодат қилурлар). Аллоҳ (Ўзи) хоҳлаган кишиларга беҳисоб ризқ берур” (Нур сураси 37, 38-оятлар)[39].

Ушбу вазиятда Пайғамбаримиз бизга кўрсатганидек, моддий неъматлар ҳақиқий диндорларни Аллоҳ, охират ҳақидаги фикрлардан чалғитмайди ва улар ибодат қилишда, кам таъминланганларга ёрдам беришда ва бошқа эзгу ишларни қилишда давом этадилар. Ва, бу ўринда, ҳаммамизга, шубҳасиз, парвардигорнинг яна бир аҳди ёрдам беради:

“(Эй, Муҳаммад!) Рабингизнинг раҳматини (Пайғамбарликни) улар тақсимлайдиларми?! Уларнинг дунё ҳаётидаги тирикчиликларни ҳам уларнинг ўрталарида Биз тақсимлаганмиз бир-бирларини бўйин сундириш (ишлатиш)лари учун баъзиларини баъзиларидан даражаларини кўтариб қўйганмиз. Рабингизни раҳмати эса улар тўплайдиган нарса (бойлик)ларидан яхшироқдир” (Зухруф сураси 32-оят)[40].

Қуръони каримда абадий ҳуқуқ ҳақида ҳам сўз юритилади:

“Осмонлар ва ердаги бор нарса Аллоҳникидир. Ичингиздаги нарсани хоҳ ошқора қилсангиз ёки яширсангиз ҳам, Алоҳ сизларни у билан ҳисоб-китоб қилур. Сўнгра Ўзи

хоҳлаган кишини мағфират қилиб, Ўзи хоҳлаган кишини азоблар. Аллоҳ ҳамма нарсага кодирдир” (Бақара сураси 284-оят)[41].

Аллоҳ берган мулкка эғалик қилиш бир неъматдир. У ҳар кимга ҳам ва бир даражада ҳам насиб қилмайди. Мулккий тенгсизликни Аллоҳ олдиндан белгилаб қўйган:

“Аллоҳ баъзиларингиздан базиларингизни ризқда юқори қилиб қўйди. Бас, бу (ризқда) юқори қилинганлар ўзларининг ризқларини қўл остидаги (қул)ларига бермайдиларки, барчалари (ризқда) баробар бўлиб олсалар. Бас, Аллонинг нематини инкор этадиларми?! ” (Наҳл сураси 71-оят)[42].

Ислом дини нуқтаи назаридан, мулк – “Аллоҳнинг ҳадяси” экан, у муқаддас ва дахлсиздир. Бахиллик – гуноҳ, уни Аллоҳ қоралайди. Қуръони каримда хусусий мулкни муҳофаза қилиш чораларининг бутун бир тизими белгиланган. Фикҳда энг оғир жазолар бешта жиноят учун белгиланган бўлиб, улардан иккитаси – босқинчилик ва ўғрилиқ. Босқинчилик учун ўлим жазоси белгиланган. Ўғрилиқ – сирқат, Қуръони каримга мувофиқ, ўнг қўлни (кафтни), иккинчи марта содир этилган ўғрилиқ чап оёқни кесиб ташлаш билан жазоланади[43].

Ислом фикҳининг Қуръони каримга асосланган қоидаларида ҳаддан ташқари катта ерга эғалик қилиш қораланади, (табақалар сақлангани ҳолда) тенглик зарурлиги ҳақидаги қоидалар белгиланган, порахўрликдан эҳтиёт бўлишга чақирилади, яъни аслида биз курашчан атеистлар ҳукмронлик қилган вақтларда, афсуски, анча эсдан чиқарган абадий қадриятлар эълон қилинади.

Айтиш жоизки, Қуръони карим мусулмонларнинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги юридик кўрсатмалар ва қоидаларни сиғдира олмаган. Афтидан, Р.Шарль қуйидаги хулосани берган: “Қуръони карим асло кодекс эмас. Бинобарин, бу китоб, айримлар таъкидлаганларидек, “бутун Ислом ҳуқуқшунослигини ифодалашдан” йироқ”[44].

Ислом ҳуқуқшунослиги, шу боис ҳам ўзининг тарихий вазифасини бажара олди. Бу вазифа Қуръони каримнинг чекланган кўрсатмаларидан иборат эмас эди, балки энг умумий жиҳатлари билангина уларга ўзининг ғоявий-назарий асоси сифатида таянган, аниқ мазмунни эса ҳуқуқшуносларнинг асарларидан олган.

Умуман олганда, мустақил демократик йўлдан дадил одимлаётган Ўзбекистоннинг энг улуғ мақсади, аввало, халқимиз манфаатлари кўзланган ислохотларни амалга оширишга қаратилгани билан эътиборлидир. Бу жиҳатлар Конституциямизда ҳам мустаҳкамлаб қўйилган. Жумладан, Бош Қомусимизнинг II боб 13 моддасида “Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

### Иқтибослар/Сноски/References:

1. Report of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev to the Oliy Majlis // “Xalq so'zi” newspaper, December 23, 2017.
2. Muminov A. Movarounnakh Hanafi jurisprudence // Lessons of Imam Bukhari. - Tashkent, 2001. - № 1. - P. 88-91.
3. Bartold V.V. Works. T-IX-M 1963. -P. 532-533.
4. Petrushevsky I.P. Islam in Iran in the 7th-15th centuries - L 1966 -P. 137.
5. Eremov D.M. Sharia Islamic code of law and morality // Asia and Africa today. 1991. N 7. P. 32.
6. Manno al Kattan. Mabohis fi ulum il Koran. Beirut. 1980.
7. Vasiliev A. Teaching of the Koran and Muhammadan Tradition about God and Predestination. Kazan, 1987. -P. 7.
8. Sheikh Abdulaziz Mansur "Translation and interpretation of the meanings of the Holy Koran" - T.: "Tashkent Islamic University" Publishing House, 2014. -P. 61.
9. Nofal I.G. Islamic Law Course (On Property). SPb., 1896; Tornau N. Ye. About the property right under the Muslim legislation. SPb., 1882; Von den Berg. The main principles of Islamic

- law are according to the teachings of the imams Abu Hanif and Shafi'i. SPb., 1882; Charles R. Muslim Law. M, 1959; Sadagdar M.I. Bases of Muslim law. M., 1968; Abrarov Sh. Shariat and its social essence. T., 1961; P.V. Antaki Collection of Sharia Laws on Family and Inheritance Law, 1912; Kerimov G.M. Sharia and its social essence. Baku, 1987; Gordon-Polonskaya L.R. Muslim trends in social thought in India and Pakistan. M., 1963; and etc.
10. Sheikh Abdulaziz Mansur "Translation and interpretation of the meanings of the Holy Koran" - T.: "Tashkent Islamic University" Publishing House, 2014. –P. 27.
  11. Sheikh Abdulaziz Mansur "Translation and interpretation of the meanings of the Holy Koran" - T.: "Tashkent Islamic University" Publishing House, 2014. –P. 541.
  12. Sheikh Abdulaziz Mansur "Translation and interpretation of the meanings of the Holy Koran" - T.: "Tashkent Islamic University" Publishing House, 2014. –P. 250.
  13. Sheikh Abdulaziz Mansur "Translation and interpretation of the meanings of the Holy Koran" - T.: "Tashkent Islamic University" Publishing House, 2014. –P.46.
  14. Sheikh Abdulaziz Mansur "Translation and interpretation of the meanings of the Holy Koran" - T.: "Tashkent Islamic University" Publishing House, 2014. –P. 87.
  15. Sheikh Abdulaziz Mansur "Translation and interpretation of the meanings of the Holy Koran" - T.: "Tashkent Islamic University" Publishing House, 2014. –P. 599.
  16. Sheikh Abdulaziz Mansur "Translation and interpretation of the meanings of the Holy Koran" - T.: "Tashkent Islamic University" Publishing House, 2014. –P. 76.
  17. Sheikh Abdulaziz Mansur "Translation and interpretation of the meanings of the Holy Koran" - T.: "Tashkent Islamic University" Publishing House, 2014. –P. 538.
  18. Sheikh Abdulaziz Mansur "Translation and interpretation of the meanings of the Holy Koran" - T.: "Tashkent Islamic University" Publishing House, 2014. –P 354.
  19. Sheikh Abdulaziz Mansur "Translation and interpretation of the meanings of the Holy Koran" - T.: "Tashkent Islamic University" Publishing House, 2014. –P 569.
  20. Sheikh Abdulaziz Mansur "Translation and interpretation of the meanings of the Holy Koran" - T.: "Tashkent Islamic University" Publishing House, 2014. –P 304.
  21. Sheikh Abdulaziz Mansur "Translation and interpretation of the meanings of the Holy Koran" - T.: "Tashkent Islamic University" Publishing House, 2014. –P 228.
  22. Sheikh Abdulaziz Mansur "Translation and interpretation of the meanings of the Holy Koran" - T.: "Tashkent Islamic University" Publishing House, 2014. –P 263.
  23. Sheikh Abdulaziz Mansur "Translation and interpretation of the meanings of the Holy Koran" - T.: "Tashkent Islamic University" Publishing House, 2014. –P 481.
  24. Sheikh Abdulaziz Mansur "Translation and interpretation of the meanings of the Holy Koran" - T.: "Tashkent Islamic University" Publishing House, 2014. –P 47.
  25. Sheikh Abdulaziz Mansur "Translation and interpretation of the meanings of the Holy Koran" - T.: "Tashkent Islamic University" Publishing House, 2014. –P 47.
  26. Sheikh Abdulaziz Mansur "Translation and interpretation of the meanings of the Holy Koran" - T.: "Tashkent Islamic University" Publishing House, 2014. –P 106.
  27. Sheikh Abdulaziz Mansur "Translation and interpretation of the meanings of the Holy Koran" - T.: "Tashkent Islamic University" Publishing House, 2014. –P 290.
  28. Sheikh Abdulaziz Mansur "Translation and interpretation of the meanings of the Holy Koran" - T.: "Tashkent Islamic University" Publishing House, 2014. –P 353.
  29. Sheikh Abdulaziz Mansur "Translation and interpretation of the meanings of the Holy Koran" - T.: "Tashkent Islamic University" Publishing House, 2014. –P 146.
  30. Sheikh Abdulaziz Mansur "Translation and interpretation of the meanings of the Holy Koran" - T.: "Tashkent Islamic University" Publishing House, 2014. –P 87.
  31. Tursunova S. D. Marriage is a guarantee of a happy family // For a healthy generation. 1997. №9.
  32. Sheikh Abdulaziz Mansur "Translation and interpretation of the meanings of the Holy Koran" - T.: "Tashkent Islamic University" Publishing House, 2014. –P 520.

33. Sheikh Abdulaziz Mansur "Translation and interpretation of the meanings of the Holy Koran" - T.: "Tashkent Islamic University" Publishing House, 2014. –P 7.
34. Matar №. I. Islam for Beginners. New York, London, 1997. P. 53.
35. Hussein Hamid Hasan. The right to social protection. Islamabad, 1995, P. 10.
36. Sheikh Abdulaziz Mansur "Translation and interpretation of the meanings of the Holy Koran" - T.: "Tashkent Islamic University" Publishing House, 2014. –P 150.
37. Jabborov S. I. Muslim law and customary norms. T., 2001. –P. 82.
38. Rakhmankulov Kh. A., Rakhmanov A.R. Human rights: history and modernity. T., 1998. -P. 174.
39. Sheikh Abdulaziz Mansur "Translation and interpretation of the meanings of the Holy Koran" - T.: "Tashkent Islamic University" Publishing House, 2014. –P 355.
40. Sheikh Abdulaziz Mansur "Translation and interpretation of the meanings of the Holy Koran" - T.: "Tashkent Islamic University" Publishing House, 2014. –P 491.
41. Sheikh Abdulaziz Mansur "Translation and interpretation of the meanings of the Holy Koran" - T.: "Tashkent Islamic University" Publishing House, 2014. –P 491.
42. Sheikh Abdulaziz Mansur "Translation and interpretation of the meanings of the Holy Koran" - T.: "Tashkent Islamic University" Publishing House, 2014. –P 49.
43. Sheikh Abdulaziz Mansur "Translation and interpretation of the meanings of the Holy Koran" - T.: "Tashkent Islamic University" Publishing House, 2014. –P 274.
44. Rajabova M. Crime and punishment in Sharia. T., 1996. B. 100 - 117. For more information: Burhoniddin Marginoni. Al-Hidoya. Kazan, 1905. T. 1-2. P. 860.
45. Charles R. Muslim law / Translated from French by S. I. Wolf. Ed. and with a preface. E. A. Belyaeva. M., 1959. –P. 19.

## ЎТМИШГА НАЗАР

## ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

## LOOK TO THE PAST

**№SI-3 (2020)**

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000